


# **ЙЎРҒА ТУВАЛОҚЛАР ЁВВОЙИ ТАБИАТГА ҚҮЙИБ ЮБОРИЛДИ**



Жорий йилнинг 29 сентябрь куни Қизил китобга киритилган Йўрға тувалоқлар ёввойи табиатга қўйиб юборилди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда “Falcon Hunting Solutions” компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Уюшмаси Қизил китобига киритилган ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ноёб қуш – йўрға тувалоқлар Қораўзак туман “Қойбак” ОФИ ҳудудига қўйиб юборилди. Табиат қўйнига 1031 бош қуш учирма қилинган бўлиб, улар Бирлашган Араб Амирликларига қарашли бўлган “International fund for houbara conservation” марказида кўпайтирилган.

Эслатиб ўтамиз, йўрға тувалоқлар 2009 йилда Ўзбекистон Қизил китобига ноёб тур сифатида киритилган. Улар Қизилқум чўлларида яшайди. Уларнинг сони ва яшаш майдони 1960 йиллардан бошлаб қисқаришни бошлаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Экология қўмитасининг матбуот хизмати